

# Депутатлар сайловчилар билан учрашишди



Термиз тумани “Бунёдкор” маҳалласидаги 4-сон мактабида вилоят Кенгаши депутати Б.Гаффоров, туман Кенгаши депутати Ш.Хаитов сайловчилар билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилиб керакли чора-тадбирлар белгиланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати - қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти”, “Халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутати мақоми тўғрисида”ги қонунлар тарғиботи олиб борилди.

Шунингдек, ижтимоий нафақалар ҳамда солиқ имтиёзлари тўғрисида тушнотиришлар берилди. Сайловчилар билан ўтказилган учрашувда сайловчилар ўзларининг масалалар юзасидан саволларига масъулларнинг жавобларини олишди.